



БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАХАР
КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ОБЛАСТЬ ВА ШАХАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

РЕСПУБЛИКАМИЗ 1.000.000 ТОННА ПАХТА ТАЙЁРЛАДИ

6-ИЛ ЧИҚИШИ
№ 190 (1452)
26
СЕНТЯБРЬ
ШАНБА
1959 ЙИЛ
БАҲОСИ
20 ТИНИН

Пахта йиғим-теримининг энг қизғин палласи келди. Ҳозирги ғанимат кунларнинг бир куни ноябрнинг ўн кунига тенгдир. Пахтакор ўртоқлар, пахталар қийғос очилган ҳозирги долзарб кунларда бир ғайратга-ўн ғайрат қўшиб астойдил меҳнат қилайлик, бутун куч ва моддий-техника воситаларини теримга тўла сафарбар этиб, кунига камида 2,5—3 процент пахта тайёрлашга эришайлик!

ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

Каноп ва жут тайёрлаш йиллик плани бажарилди

КПСС XXI съездининг тарихий қарорларидан илҳомланган, КПСС Марказий Комитетининг набатдаги Пленуми шарафига бошланган умумхалқ мусобақасига қўшилган областимиздаги каноп ва жут ҳосили етиштирувчи районларнинг қолқозилари, қишлоқ хўжалиги мутахассислари, каноп-жут заводларининг ишчилари давлатга луб ақиллари ҳосили топириш йиллик планини муддатидан илгари, 25 сентябрда, яъни ўтган йилгидан 14 кун олдин 100,9 процент қилиб бажардилар. Шу кунгача Ватанга 131 минг 174 тонна каноп ва жут қўшқаси етказиб берилди. 97 процент ҳосил биринчи ва иккинчи сортларга қабул қилинди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 46 минг тонна кўп каноп ва жут тайёрланди.

Бу соҳада Юқори Чирчиқ райони (район партия комитетининг секретари Иброҳимов, район ижроия комитетининг раиси Каримов ўртоқлар) қолқозилари катта муваффақиятларга эришди. Барча майдонларда мўл каноп ва жут ҳосили етиштирган қолқозилар гектаридан ўрта ҳисобда 120 центнердан ортиқ ҳосил йиғиб олдилар. Қуйи Чирчиқ райони (район партия комитетининг секретари Сотибдилов, район ижроия комитетининг раиси Мерғенов ўртоқлар) қолқозилари ҳам ахши кўрсаткичларга эришдилар. Район меҳнаткашлари йиллик планни муддатидан илгари бажариб, ўтган йилгига нисбатан давлатга 24700 тонна кўп луб маҳсулотлари сотдилар.

Юқори Чирчиқ районидagi «Политотдел», Свердлов номи, «Правда» қолқозилари, Қуйи Чирчиқ районидagi Ленин номи, «Ш Интернационал», Димитров номи, Будённый номи қолқозилар қўлга киритган ютуқлар айниқса маънога эга. Бу қолқозиларда луб ҳосили тайёрлаш ва давлатга сотиш йиллик плани анча ортиғи билан бажарилди.

Ҳаммадан ҳам қувонарлиғи шундаки, илгари иқтисодий жиҳатдан қамқувват ҳисобланб келинган Юқори Чирчиқ районидagi Навоий номи, Ленин номи, Қуйи Чирчиқ районидagi «Родина», «Қизил шарқ», Хрущев номи қолқозилар ҳам бу йил ўз аъзоларининг устидан чиқдилар. Кейинги 3—4 йил ичида сурункасига давлат планини бажара олмай келаётган ана шу қолқозилар бу йил ғалаба рапорти бердилар. Бу қолқозиларнинг аъзолари қўлга киритилган муваффақиятга ўзларининг ҳалол меҳнатлари, луб ақиллари парварлигини ҳар тарафлама сифатли ўтказганликлари, йиғим-теримини ушшоқлик билан давом эттирилганликлари тўғрисида эришдилар.

Областнинг луб ақиллари ҳосили етиштирувчи қолқозилари ўз ички имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, зиммаларига янги мажбурият олдилар, давлатга илгарики мажбуриятлари 145 минг тонна ўрнига 170 минг тонна, яъни пландан ташқари 40 минг тонна каноп поёси топиришга аҳд қилдилар.

Ҳар иккала район қолқозилари, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари шу кеча-кундузда бутун кучини луб маҳсулотлари уруғини сифатли тайёрлашга қаратдилар. Улар 10 октябргача уруғлик канопни йиғиб олиб, яқин кунлар ичида янчиб тамомлаш, давлатга камида 1600 тонна каноп уруғи етказиб бериш мажбуриятини олдилар.

Луб ҳосили етиштирувчи қолқозилар 1960 йил мўл ҳосили учун ҳам ҳозирдан бошлаб пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Ҳар иккала районда шугор қизғин бошланиб кетди. Ҳозиргача 8 минг гектардан ортиқ ер сифатли шугор қилинди. Луб ақиллари ҳосили етиштирувчи қолқозиларда шугорлаш Улуғ Ёрғиёв социалистик революциясининг 42 йиллиги кунига тўла бажарилди.

Чорва маҳсулотлари етиштириш йиллик плани бажарилди

КПСС Марказий Комитетининг набатдаги Пленуми шарафига бошланган умумхалқ мусобақасига қўшилган област қолқозилари ва совхозларининг меҳнаткашлари чорвачилик маҳсулотлари етиштириш йиллик кўпайтириш йўлида астойдил меҳнат қилиб, катта муваффақиятларга эришдилар. Давлатга гўшт топириш йиллик плани муддатидан илгари 100,1 процент бажарилиди, 12 минг 800 тонна ўрнига 12 минг 815 тонна гўшт тайёрланди. Бу, ўтган йили шу давргача давлатга сотилган гўшдан 6827 тонна ортиқ демакдир.

Област қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари жун тайёрлаш давлат планини ҳам 101,2 процент қилиб бажариб, 13 минг центнер ўрнига 13 минг 162 центнер, ўтган йилнинг шу даврига қараганда 1291 центнер ортиқ жун топиридилар. Улар ўз ички имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, яна 500 центнер жун сотишга қарор қилдилар.

Қолқоз ва совхозларда ғалла тайёрлаш (шолдан ташқари) плани 102,9 процент бажарилди. 1 миллион 150 минг дон тухум тайёрланиб, бу соҳада берилган план ортиғи билан адо этилди.

Областимизда бу йил, айниқса, пилла тайёрлаш соҳасида катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Пилладан 880 тонна ўрнига давлатга 1060 тонна пилла ҳосили топирилди, план 120,5 процент бажарилди. Бошқача қилиб айтганда, бу йил пландан ташқари 186 тонна ортиқ пилла ҳосили тайёрланди.

КПСС XXI съездининг тарихий қарорларини изчиллик билан амалга ошираётган областимиз меҳнаткашлари чорвачиликни ривожлантириш соҳасида ҳам ажойиб ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Қорамол туғи

101,1 процент, шу жумладан соғин ситирлар туғи 100 процент, қўчқачилик 112,8, қўй ва эчки боши 103,3 процентга етказилди.

Жамоат чорвачилигини ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини оширишнинг асосий гарови бўлган мустаҳкам ем-хашак базаси вужудга келтирилди. 25 сентябргача давлатга ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 70 минг тонна ортиқ сут топирилди. Сут маҳсулотлари етиштириш плани 10 октябргача тўла бажарилди.

Чорвадорлар, қишлоқ хўжалиги мутахассислари ҳозир дағал хашак тайёрлаш бўйича берилган топириш йиллик бажариш ва уни чорва қишлоғига ташиб келтириш тадбирларини изчиллик билан амалга оширмоқдалар. Давлатга гўшт, жун, сут, тухум, ғалла топириш давом этмоқда.

Қуйи Чирчиқ ва Юқори Чирчиқ районлари меҳнаткашларининг муваффақиятлари

Кеча редакциямизга хушхабар келди. КПСС Марказий Комитетининг набатдаги Пленуми очилиш кунига муносиб меҳнат совғалари тайёрлаш учун курашаётган Қуйи Чирчиқ ва Юқори Чирчиқ район меҳнаткашлари катта меҳнат ғалабасига эришдилар.

Қуйи Чирчиқ райони областда биринчи бўлиб давлатга луб маҳсулотлари сотиш планини муддатидан илгари 25 сентябрда тўла бажарди. 95 процентдан ортиқ каноп ва жут ҳосили биринчи ва иккинчи сортларга топирилди. Азамат қолқозилар ўтган йилгига нисбатан 23772 тонна кўп луб ақиллари маҳсулотлари тайёрладилар. Гектарыан 153 центнердан луб маҳсулоти олган Димитров номи, 120 центнердан ҳосил олган Ленин номи, «Ш Интернационал» қолқозилари, айниқса, юқори кўрсаткичга эришдилар. Район қолқозилари пилла, гўшт, сут, тухум, жун маҳсулотлари етиштириш йиллик планларини ҳам тўла бажардилар. Силос бостириш бўйича зиммага олинган социалистик

меҳнурият ҳам ортиғи билан адо этилди. Жамоат чорвачилигини ривожлантириш соҳасида ҳам катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Қуйи Чирчиқ райони меҳнаткашлари ўз ички имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 42 йиллиги кунига пландан ташқари давлатга 20 минг тонна луб маҳсулотлари топириш мажбуриятини олдилар. Яқин кунлар ичида уруғлик канопларини йиғиб олиш ва янчиш ишлари ҳам тамомланди. Район меҳнаткашлари октябр байрамининг кунгача пландан ташқари давлатга чорва қишлоғига пухта тайёрланиш ва пахта тайёрлаш давлат планини 1 ноябргача ортиғи билан бажаришга аҳд қилдилар.

Мусобақадор Юқори Чирчиқ районида ҳам каноп ва жут маҳсулотлари тайёрлаш давлат плани муддатидан илгари бажарилиди. Ўтган йилги шу даврга нисбатан 20272 тонна кўп луб маҳсулотлари тайёрлан

ди. 98,5 процент поя биринчи сортга топирилди. Район бўйича гектардан олинган ҳосил 120 центнергача етди. «Политотдел», «Ўзбекистон», Свердлов «Правда» қолқозилари, айниқса, юқори кўрсаткичларга эришдилар. Район қолқозиларида давлатга ғалла (шолдан ташқари) пилла, гўшт, сут, тухум, жун маҳсулотлари топириш йиллик плани бажарилди, планга нисбатан 120 процент силос бостирилди. 3000 гектарга яқин сугориладиган ер шугор қилинди.

Район меҳнаткашлари ўз ички имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, 7 ноябргача пландан ташқари давлатга 20 минг тонна луб маҳсулотлари поёси сотиш, 1 ноябргача йиллик пахта тайёрлаш давлат планини бажариш, шунингдек 610 тонна каноп уруғи ва шол тайёрлашга аҳд қилдилар. 10 октябргача узум сотиш планини бажариш, 20 октябргача кузги дон экинни тамомлаш ва 1 декабргача барча ер майдонини шугорлашни тамомлаш учун қизғин кураш олиб боришмоқда.



Ўртоқ Е. ЎСМОНОВ.

Ўрта Чирчиқ районидagi «Северный маяк» қолқозининг механик-ҳайдовчиси. Моҳир механизатор кунига ўз агрегати билан 2,5-3 тоннадан пахта термоқда.

Ўртоқ Е. ЎСМОНОВ. Ўрта Чирчиқ районидagi «Северный маяк» қолқозининг механик-ҳайдовчиси. Моҳир механизатор кунига ўз агрегати билан 2,5-3 тоннадан пахта термоқда.



Ўртоқ Л. АКРАМОВА.

Янгийўл районидagi Свердлов номи қолқозининг аъзолари чевар теримчининг номини ҳурмат билан тилга олишди. У кунига 200 килограммдан ошариб пахта теришга эришмоқда.

М. Шевелев, Б. Нудир, С. Ахмедов, М. Нуриддинов фотолари.

Сентябрдаги мўлжал 45 процент

Пахта теримининг дастлабки ўн кунда ишнинг натижаси унчалик ахши бўлмади. Бригада аъзолари ҳар қанча тиришсалар ҳам, бир кунда терилган пахта бир процентдан ортимади. Аммо, кейинроқ иш юришиб кетди. Теримчилар ҳавонинг яхшиланишидан, пахталарни қийғос очилганидан фойдаланишиб, жадвал ҳаракат қилдилар. Ҳамма кунлик топиришнинг ошириб бажариладиган бўлиб қолди.

Сирдарё районидagi Свердлов номи қолқозининг ўртоқ Абдурашид Усмонов қолқозининг бригадаси аъзолари пахта теримида ана шундай натижаларга эришиб ишламоқдалар. Бригадада Ҳикмат Соатов, Саодат Ҳайитова, Меҳрибона Усмонова сингари илгори теримчилар кўп. Улар мавсумда 12—15 тоннадан пахта теришга сўз беришган.

Пахтакорлар барча имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, сентябрь ойида йиллик планининг 45 проценти миқдориди пахта тайёрлашга қарор қилдилар. Илгари бригада бўйича 206 тонна пахта ҳосили етиштириш мажбурияти олинган эди. Бойвот районидagi «Коммунизм» қолқози аъзоларининг зақирғидан кейин дастлабки мажбурият қайта қўриб чиқилди. Шундан кейин бригада аъзолари бу йил 270 тонна пахта тайёрлаш ниятида янги куч, янги ғайрат билан ишга киришдилар. Ҳозирги кунда терим жадал суръатлар билан давом этмоқда.

К. АБИЛОВ.

Оржоникидзелликлар ғалабаси

Чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш учун тинмай курашиб келаётган Оржоникидзе райони меҳнаткашлари давлатга пилла, гўшт, сут, тухум, жун сотиш йиллик плани муддатидан илгари бажаришга эришдилар. Давлатга тери ва мўйна маҳсулотлари сотиш планларини аса ортиғи билан бажарилди.

Давлатга 4252 центнер гўшт, 11013 центнер сут, етказиб берилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 73 минг дон тухум, 4500 килограмм жун ортиқ топирилди.

Район қолқозилари майда ва йирик шохли қорамолларини, қўчқа ва паррандаларини кўпайтириш планларини ҳам бажардилар. Силос бостириш аса 153 процент адо этилди.

Давлатга гўшт, сут, жун ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш давом этмоқда. Район меҳнаткашлари пахта, сабзавот ва картошка маҳсулотлари тайёрлаш давлат планларини ҳам муддатидан илгари бажариш учун барча зарур тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Турсуной суръатга суръат қўшмоқда

Пахталари чамандек очилган йил картда пўлат агрегатлар сузиб юрибди. Бу агрегатларнинг биринчи моҳир механизатор Турсуной Охунова бошқармоқда. Биз унга томон ақинлашдик. Турсуной машинасини ақчиллик билан қайтариб, бункердаги пахталарни карта четига ёзиб қўйилган бризент устига тўла бошлади.

— Бу қиз жуда абжир чиқиб қолди, — деди бригадир ўртоқ Умбетов, бизни у билан таништирар экан, — ҳаммамизни шошириб қўяпти. Бир қанов пахтани қоплаб улгурганимизча у ўн қанов пахтани териб кетди. Машина оғиримизни енгил қилляпти.

— Бутун мўлжалингиз қанча? — сўрадик Турсунойдан.

— Тўшгача 3 тоннага яқин пахта тердим, — жавоб берди Турсуной. — Ҳаракат қилсам кечгача яна 2 тоннага етказаман.

Механизатор қиз шу гапларни айтган экан, ҳали вақт эрта, албатта айтган сўзининг улдасидан чиқаман, деб бизни ишонтирди. Машинага чакқонлик билан ўтириб-да, пелали босди. Машина яна ағат ораб кетди.

Х. САЙДАЛИЕВ.

Оққўрғонда нега машиналар яхши ишлатилмаётир?

Район пахта тайёрлашнинг дастлабки даврида туртинчи ўринда эди. Ҳозир аса саккинчи ўринга тушиб қолди. Бунинг сабаби нимада? Нега район олдинга силжиш ўрнига орқага қараб кетаяпти? Тўғридан-тўғри айтиш керакки, сўнгги кунларда қатор хўжаликларда бўша шушчиликка йўл қўйилди. Озми-кўпми қўлга қаритилган ютуқлар раҳбарларни эсанкиратиб қўйди.

«Оққўрғон» совхоз бу йил мамлакатга 16 минг 300 тонна пахта топириш керак. Демак, бу совхоз пахта тайёрлашда салмоқли ўрин эгаллайди. Отин ана шунга қараб тевроқ қамчалаш лозим. Совхознинг ўртоқ Х. Боймухамедов бошлиқ бўлимчи ишчилари, механизаторлари зиммага олинган мажбуриятининг шарофли ва салмоқли эканлигини чуқур ҳис қилган ҳолда терим суръатини кучайтирмоқдалар. Ҳар кун йиллик планининг 3,5—4 проценти миқдориди пахта тайёрланмоқда. Бундай муваффақиятга пахта терим машиналаридан яхши фойдаланилаётганини сабаби эришилди. 10 та машина беш кунда 122 тонна пахта терди. Агар совхознинг бошқа бўлимларида ҳам меҳнат тўғри ташкил этилганида, пахта терим машиналаридан унумли фойдаланилганда, район бўйича пахта тайёрлаш суръатини кучайтиришга муносиб ҳисса қўшилган бўлар эди.

Совхознинг 3 минг 800 гектар еридаги пахта ҳосили машинада терилганга асраб қолган. Совхоз раҳбарлари оғизда бу ишга жуда тарафдорлар. Амалда аса машина билан

пахта терим ишга етарли эътибор бермаётирлар.

Ўртоқ Абдулла Бобожўзев бошлиқ бўлимда машинада терилган ажратилган карталардаги тўзани ўч бошқар кетганидан машиналар яхши юрмаяпти. Гўмай ва шўра пахталарнинг сифатини бузаяпти. Совхознинг 1, 2, 10- бўлимларида ҳам худди ана шундай аҳволи кўриниш мумкин.

А. Жоникўлов, М. Ўлдошев ўртоқлар бошлиқ бўлимларида ҳанузгача машина билан пахта терилганга тейралик кўрлмаганлиги тўғрисида карта четлари ва пахта тўқилган хирмонлар текисланмаган. Айтидан ўртоқ Х. Боймухамедов бошлиқ бўлимчи ишчилари, механизаторлари зиммага олинган мажбуриятининг шарофли ва салмоқли эканлигини чуқур ҳис қилган ҳолда терим суръатини кучайтирмоқдалар. Ҳар кун йиллик планининг 3,5—4 проценти миқдориди пахта тайёрланмоқда. Бундай муваффақиятга пахта терим машиналаридан яхши фойдаланилаётганини сабаби эришилди. 10 та машина беш кунда 122 тонна пахта терди. Агар совхознинг бошқа бўлимларида ҳам меҳнат тўғри ташкил этилганида, пахта терим машиналаридан унумли фойдаланилганда, район бўйича пахта тайёрлаш суръатини кучайтиришга муносиб ҳисса қўшилган бўлар эди.

Совхознинг 3 минг 800 гектар еридаги пахта ҳосили машинада терилганга асраб қолган. Совхоз раҳбарлари оғизда бу ишга жуда тарафдорлар. Амалда аса машина билан

шиналарини ҳам теримга тушириш ҳақида бош қотирсалар ахшироқ бўлар эди.

Худди «Оққўрғон» совхозини сингари Охунбобоев номи, Калинин номи, «Октябрь 40 йиллиги» қолқозилари раҳбарлари ҳам камчиликларга йўл қўймоқдалар. Пахта тайёрлаш суръатини бўшаптириб, районни орада тортимоқдалар.

Охунбобоев номи қолқозда графикадаги 200 киши ўрнига 164 — 170 киши теримга қатнашапти. Ҳар бир кишининг терган пахтаси 45 — 50 килограммдан ошмайди. Ахир 118 эркакдан фақат 31 кишининг теримга жалб қилинганлигини нормал бир ҳол деб бўладими?

Район қолқозларида ҳам пахта терилишига ҳам йўл қўйилмоқда. 18 сентябрь кун «Октябрь» тайёрлаш пунктига жўнатилган 35 тонна пахтадан 10,5 тоннаси ҳам бўлганлиги учун қайтариб юборилган. Охунбобоев номи, Карл Маркс номи, Ленин номи қолқоз раҳбарлари бундан ўзларига тегушли хулоса чиқариб олишлари керак.

Райондаги «Ленинбод» қолқози аъзолари йиғим-теримни ушшоқлик билан давом эттириб, кунига йиллик планининг 2,5 — 3 проценти миқдориди пахта тайёрламоқдалар. «Оққўрғон» совхоз ва бошқа хўжаликларнинг раҳбарлари бу илгори хўжаликдан ўрнак олишлари, ишчи кучлари ва терим машиналаридан унумли фойдаланишни таъминлаб, пахта тайёрлаш суръатини кучайтиришлари, районни илгори районлар даражасига кўтариш учун курашишлари керак.

А. НАБИХУЖАЕВ.

Пахтамик нарвонлари

Эрта қўйилган тонда кўринди оппоқ хирмон, Онахон элимизнинг гурури кўрки, фахри, Жамолани кўз-кўлар денгизлардан катта кон, Қарам меҳнаткаш элимиз очилар дили, бахри.

Бу пахтакор ўлканинг фазизбор далалари, Қудратли меҳнат билан яшнаб кетди бу палла. Екимли жарангайли шўх қизлар аллалари, Дил билан қўшиқ қўйлаб махтай берсанг баралла.

Пахтазорга йўл олдим, қадрдон қишлоқ сари, Халқимнинг миллионини улуглашга отландим. Қўлоқларга хуш келар кўп мингилар хабари, Бунда хурсанд кезаман гўёки қанотланб.

Бошинида парвона бўлсам арзийди қизлар, Сиз тонларинг тонг дейла дадада ҳозир-нозир, «Оқ олтин»дан тоғ уйиб, кўз-кўзловчи ҳам синлар, Меҳрим ҳароратини тараннум этсам арзир.

Мирзаҷўл водисининг серунум ери билан, Меҳнат чамбарчас бўлиб, бир умрга дўст ўртоқ. Халқимиз фахр қилар Ганишер шери билан, Дуҳиминг асл иснога меҳр билан яна боқ.

Кўмуш каби ялтираб, «ТУ» янглиг қанот ёзиб, Шайланган машиналар сузиб борар дадада, Меҳнат-ҳайдовчининг гайратдан тошар қабди, Мингилар қиммат турар ушбу қизгин паллада.

Пахтамик нарвонлари ўтиб борди қатор, Миллион тонналар учун беш боғланган бу элда. Ҳар битта пахтакорнинг қарвона улуши бор, Меҳнатнинг сатрлари қайнаб туғилар дилда.

Юсуфжон ҲАМДАМ.



(Планта нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кун-лик ўш	Мавсум бошидан бери
Пискент	2.14	35.24
Гулистон	2.48	33.09
Бойвот	2.43	33.02
Сирдарё	2.24	30.61
Юқори Чирчиқ	2.11	29.57
Бўёқ	2.20	29.32
Оққўрғон	2.51	28.86
Бекобод	2.21	28.31
Қуйи Чирчиқ	2.76	28.68
Ўрта Чирчиқ	2.24	28.29
Оржоникидзе	2.00	28.08
Чиноз	2.23	26.78
Янгийўл	1.91	26.30
Область бўйича	2.27	29.87

Хитой Халқ Республикасининг 10 йиллигини
байрам қилиш учун СССР Партия-ҳукумат
делегациясини юбориш тўғрисида

С. ХУЖАЕВ,
иқтисод фанлари кандидати.

